

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

3-son (4- jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 3 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;  
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;  
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Hamroyev Asliddin Umed o'g'li*

“GULSHANUL MULUK” (“SHOHLAR GULSHANI”) ASARI – MANG’ITLAR HUKMRONLIGI DAVRI MUARRIXLIGI NAMUNASI ..... 13-18

*Bazarbayeva Shohsanam Muratovna*

SIRDARYO VILOYATIDA VETERINARIYA SOHASIGA OID ISLOHOTLAR (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI) ..... 19-23

*Asadova Dilnoza Innatovna*

O’ZBEKISTONDA RAQS SAN’ATI SOHASIDA KADLAR TAYYORLASH MASALASI TARIXI VA BUGUNI ..... 24-28

*Ҳайитов Умед Яҳёевич*

ЎЗБЕКИСТОН ССР МУВАҚҚАТ ИНҚИЛОБИЙ ҚҮМИТАСИ (МАРКАЗИЙ РЕВКОМ)НИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ..... 29-34

*Омонова Сарвиноз Ориф қизи*

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ ... 35-42

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Алимханова Нигора Алимхановна*

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 43-52

*Mahmudova Dilafruz Hasanovna*

KORPORATIV BOSHQARUVNING AYRIM NAZARIY JIHATLARI ..... 53-60

*Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li*

SANOAT KORXONALARIDA IQTISODIY XAVFSIZLIKNING EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ..... 61-69

*Мехмоналиев Улугбек Эркинжон уғли*

СУЩНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ .70-75

*Паязов Мурод Максудович*

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ ..... 76-86

*Шадибекова Дилдор Абдурахмановна*

ЛОГИСТИЧЕСКИЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО РАЗВИТИЯ ..... 87-92

*Malikova Dilrabo, Khudoiberdieva Maftunabonu*

INNOVATIVE HR MANAGEMENT: NECESSITY AND METHODS OF APPLICATION ..... 93-99

*Мамажонова Одинахон Алишер қизи*

КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ..... 100-106

*Nozimov Eldor Anvarovich*

ELEKTRON TIJORATNI RIVOJLANISHDA O’ZBEKİSTON VA XORİJIY DAVLATLARNING O’RNI ..... 107-115

*Буранова Жазира Эргаш қизи*

ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ИНКЛЮЗИВНЫЙ РОСТ ГОСУДАРСТВА ..... 116-120

<i>Худойназаров Фахритдин Хайтевич</i>	
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ИҚТисодий АҲАМИЯТИ .....	121-127
<i>Бахтиёров Бобур Баходир ўғли</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ .....	128-136
<i>Isomtdinova Gulbaxor Kurbonaliyevna</i>	
О'ЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	137-145
<i>Yuldashev Shadiyor Shuxrat o'g'li</i>	
OLIY TA'LIM O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY VEB TEХNOLOGIYALARI INTEGRATSIYASI .....	146-150
<i>Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li</i>	
TIJORAT BANKINING KREDIT SIYOSATI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI .....	151-159
<i>Saidov Shohruh Mirzo</i>	
SOCIO-ECONOMIC ANALYSIS OF CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS .....	160-169
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i>	
IQTISODIY RIVOJLANISHNING HOZIRGI BOSQICHIDA XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDAGI JORIY AKTIVLAR TUSHUNCHASI VA UNING O'RNI .....	170-177
<i>Inomjon Matkarimov</i>	
AGROKIMYO BIOKIMYO XIZMATLARI IJTIMOIY IQTISODIY SAMARADORLIGINI TA'MINLASHNING SWOT TAHLILI .....	178-183
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>G'aybullayev Otabek Muxammadiyevich</i>	
JAMIyatda ESTETIK MADANIYAT RIVOJLANISHINING FALSAFIY ASOSLARI .....	184-189
<i>Masharipova Gularam Kamilovna</i>	
МАHMUD IBN MUHAMMAD IBN UMAR AL-CHAG'MINIYNING «AL-MULAXXAS FI-L-HAY'A» RISOLASINING NUSXALARI VA QOZIZODA RUMIYNING SHARHI .....	190-198
<i>Абдуллаханова Гулбахор Саттаровна</i>	
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНО- ЦЕННОСТНЫХ ОСНОВ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ .....	199-206
<i>Urinov Xushnudjon Abdulomitovich</i>	
TA'LIM VA KASB-HUNAR ISLOHOTLARI GENEZISI: KASBIY FAOLIYAT VA MEHNATGA MUNOSABATNING TARIXIY SHAKLLANISHI .....	207-220
<i>Азизқулов Ақрам Абдурахмонович</i>	
ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИННИГ ЁРИТИЛИШИ .....	221-227
<i>Kenjayev Ulug'bek Muratovich</i>	
BEFARQLIK HAQIDAGI FALSAFIY FIKRLAR RIVOJI .....	228-232
<i>G'aybullayeva Laylo Safarboyevna</i>	
MAHALLADA YOSHLAR SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIY-FALSAFIY RIVOJLANISH MASALALARI .....	233-238

<i>Xo'janova Tamara Jo'raevna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TAHDID VA ULARDAN O'ZINI ONGLI HIMOYA QILISH KO'NIKMLARI .....	239-245
<i>Jabborova Saodat Sattorovna</i>	
MA'NAVIY SALOHIYATNING IJTIMOIY TARAQQIYOT MANBAI SIFATIDA XUSUSIYATLARI .....	246-252
<i>Xusanov G'olib Elmurodovich</i>	
O'ZBEK OILALARINING RIVOJLANISHIDA AXLOQIY TAFAKKUR MASALALARI .....	253-257
<i>Аззамходжаева Шахноза Сайдматмабовна</i>	
МУСУЛЬМАНСКОЕ БОГОСЛОВИЕ, СВЯЩЕННЫЙ КОРАН И ТВОРЧЕСТВО НАВОИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ .....	258-265
<i>O'rakov Bobir Baxtiyorovich</i>	
IJTIMOIY DAVLATNING NAZARIY VA METODOLOGIK ASOSLARI: VUJUDGA KELISH SHARTLARI, BELGILARI VA FUNKSIYALARI .....	266-270
<i>Qunishev Ulug'bek Ulashevich</i>	
NEMIS KLASSIK FALSAFASIDA JAMIYAT RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI AXLOQIY VA ESTETIK OMILLAR .....	271-275
<i>Турдибоев Бозор Худойбердиевич</i>	
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА .....	276-282
<i>Kenjayeva Dilrabo Rominovna</i>	
MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI TA'LIMOTIDA O'ZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	283-287
<i>Azamatova Gulrukha Islom qizi</i>	
SOCIOCULTURAL ASPECTS IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY IN THE CONTEXT OF MODERN EDUCATION .....	288-293
<i>Toшпулатова Ширин Мухиддиновна</i>	
ЭТИЧЕСКИЕ ОРИЕНТИРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	294-302
<i>Yuldasheva Dilorom Yuldashevna</i>	
SCIENTIFIC ATTITUDE TO CONSCIOUSNESS AND ITS INFLUENCE ON THE FIELD OF EDUCATION .....	303-307
<i>Bekchanov Xudoybergan O'rinvich, Yusupova Firuza Hajiboy qizi, Yulliyeva Sohiba Shuhrat qizi</i>	
MAKTABGACHA YOSHDAGI KATTA GURUH TARBIYALANUVCHILARDA IJTIMOIY VA КОММУНИКАТИВ QOBILYATNING RIVOJLANISHI .....	308-314
<b>10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ткебучава Ирина Георгиевна</i>	
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ .....	315-320
<i>Ikromxonova Firuza Ikromovna, Jazira Nusrultanqizi</i>	
TIPOLOGIK TAHLIL - KOMPOZITSIYA VA JANR (TARIXIY ASARLAR MISOLIDA) .....	321-327

<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi</i>	
LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF THE CONCEPT “HAPPINESS” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES .....	328-334
<i>Mustafayeva Saodat Burxanovna</i>	
SALIM ASHUR SHE’RLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLER VOSITASIDA VOQELIKNI BADIY TALQIN ETISH .....	335-340
<i>Abdulxayeva Nodirabegim Ixtiyorjon qizi</i>	
DRAMATIK ASARLARNI TARJIMA QILISHDA LEKSIK-SEMANTIK, LINGVOKULTUROLOGIK MASALALAR .....	341-346
<i>Xajiyeva Dilfuza Adambayevna</i>	
FOLKLOR VOSITALARINING ZAMONAVIY ADABIYOTDAGI O’RNI VA O’RGANILISHI .....	347-351
<i>Jumanova Sevara Xolmurod qizi</i>	
KIYIM KECHAK NOMLARI TILNING BOYISH MANBAI SIFATIDA .....	352-356
<i>Hojaliyev Ismail Tadjibayevich, Ismailova Sayyora Tolkinovna</i>	
MATN NAZARIYASINING SHAKLLANISHI .....	357-366
<i>Abdullaev Ulmasbek Khairullayevich</i>	
LITERARY WORKS AS THE MOST IMPORTANT AND WELL-ACCLAIMED COMPONENTS OF THE CULTURAL HERITAGE OF THE NATION .....	367-370
<i>Maxmudova Fotima Maqsud qizi</i>	
TYPES OF MEDIA TEXT LANGUAGE .....	371-375
<i>Maxmudova Zuhra Maqsud qizi</i>	
BADIY TARJIMANING TILSHUNOSLIK DAGI AHAMIYATI .....	376-380
<i>Davronova Zulfiya Boboyevna</i>	
UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE .....	381-386
<i>Hakimova Dilrabo Yo’ldoshovna</i>	
TERMINOLOGIYA SOHASINING TARIXI VA DOLZARB MUAMMOLARI XUSUSIDA .....	387-392
<i>Мадрахимов Тулибай Абдукаrimovich</i>	
СЎЗЛАШУВ НУТҚИННИНГ ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ ВАРИАНТЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ .....	393-395
<b>12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Ergashev Ikrom Abdurasulovich</i>	
SOLIQ INTIZOMINI BUZISH BILAN BOG’LIQ HUQUQBUZARLIKLER UCHUN JAVOBGARLIKNING AYRIM JIHATLARINING ILMIY-NAZARIY TAHLILI .....	396-402
<i>Куатбек Гулнар Куатбековна</i>	
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ТРАНСПАРЕНТНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ МЕСТНОЙ ВЛАСТИ .....	403-409
<i>Jurayev Dilmurot Mukhtarovich</i>	
ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON ALTERNATIVE RESOLUTION OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC LEGAL RELATIONS .....	410-415

*Mirakhmedova Fazilat Khokim kizi*

CRIMES OF MANUFACTURING AND SELLING PHARMACEUTICALS IN A WAY TO DANGER THE LIVES AND HEALTH OF INDIVIDUALS (Evaluation of Türkiye and Uzbekistan legal system) ..... 416-428

*Касимов Нодиржон Содикжонович*

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИГ УМУМИЙ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ..... 429-438

*Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Есенбаев Джанибек Таирович*

ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 439-445

*Джалилов Сардор Шавкатович*

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ..... 446-453

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Mirzayev Qodir Toirovich*

ZAMONAVIY XOR SAN'ATI TA'LIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 454-458

*Васильченко Ольга Анатольевна*

ИСТОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ..... 459-463

*Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович*

ҮҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ..... 464-470

*Mattiyeva Feruza Begmatdulobovna*

TARJIMONLIK MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK VA DIDAKTIK XUSUSIYATLARI ..... 471-477

*Jurayev Bobomurod Tojiyevich*

ABU ALI IBN SINO QARASHALARIDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI ..... 478-482

*Umurova Ma'rifat Yoshiyevna*

XALQ QO'SHIQLARI VATANPARVARLIK TUYG'USINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA ..... 483-486

*Raxmanova Dildora Abdulkamid qizi*

INGLIZ TILIDA AKADEMİK YOZUV TUSHUNCHASI VA UNING TALABALAR ILMIY FAOILIYATIDAGI AHAMIYATI ..... 487-492

*Rajabiy Aziz Xasanovich*

VOKAL ARTISTI FAOLIYATIDA SAHNA MAHORATINING O'RNI ..... 493-497

*Omanov Rashid Sherqobilovich*

O'QUVCHILARDA EKOLOGIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARINI TO'G'RI TASHKIL ETISH ..... 498-501

*Салимов Акром Хайитович*

БЎЛАЖАК ҮҚИТУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ..... 502-507

*Mamatmurodov Sharofjon Khudoyarovich*

TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O'RNI ..... 508-514

<i>Ли Екатерина Владимировна</i>	
СИНЭРГЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ	
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ .....	515-523
<i>Ахмедова Нафиса Исаходжаева, Азаматов Абдулло Исахўжаса ўғли, Лутфуллина Румия</i>	
<i>Анваровна</i>	
ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА	
ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ .....	524-533
<i>Очилова Мехрибон Суратовна, Хамроева Феруза Асроровна</i>	
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПЛАТФОРМ И ИХ	
КЛАССИФИКАЦИЯ .....	534-541
<i>Amonov Mirjon Namozovich</i>	
IJTIMOIY PEDAGOGIK FAOLIYAT VA UNING ASOSIY FUNKSIYALARI .....	542-547
<i>Sharipov Habibullo Abduqahhorovich</i>	
TALABALARNING IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING O'RNI VA	
AHAMİYATI .....	548-552
<i>Yaxiyaxonova Muxiba Maxmudjonovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING IT SAVODXONLIGINI	
OSHIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH .....	553-560
<i>Xakimova Gulshan Abdusalilovna</i>	
JISMONIY TARBIYA VOSITALARI ORQALI YOSH BOLALARNI SIFATLARINI	
TARBIYALASH .....	561-565
<i>Nazarov Rustam Irkinovich</i>	
TECHNOLOGY FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN HIGHER	
TECHNICAL EDUCATION FIELDS (IN THE EXAMPLE OF ENGLISH LANGUAGE) .....	566-570
<i>Muqimova Fotima Abduqaxor qizi, Muqimova Zuxra Abduqahor qizi</i>	
CHIZMACHILIK DARSLARIDA O'QUVCHILARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI	
RIVOJLANTIRISHDA O'YINLI TEXNOLOGIYALADAN FOYDALANISHNING	
AFZALLIKLARI .....	571-576
<i>Sulaymanova Dildora Nazarovna, Giyasova Shaxnoza Abdurafikovna</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI LOYIHAGA ASOSLANGAN O'QITISH	
VOSITASIDA RIVOJLANTIRISH MODELI .....	577-585
<i>Usmonova Matluba Nosirovna</i>	
O'QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI TARBIYALASH	
METODIKASINING KREATIV PEDAGOGIK YONDASHUVI .....	586-590
<i>Ustaev Abdurazzoq Qurbanovich</i>	
MILLIY KURASH SPORT TURINING FUNKSIYALARI VA MAQSADGA ERISHISHDAGI	
VOSITALARI .....	591-596
<i>Shoimqulova Nigina Xolmurodovna, Yadigarova Sitora Bahromovna</i>	
ADDRESSING CHALLENGES IN TEACHING ENGLISH IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES: A	
SCHOLARLY EXAMINATION .....	597-603
<i>Yeshanov Marat Urazaliyevich</i>	
INGLIZ TILINI O'QITISHDA BO'LAJAK CHET TILI O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV	
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PRAGMATIKANING AHAMIYATI	
LANGUAGE) .....	604-616

<i>Tursunova Shahnoza Bekchanovna</i>	
JAMOATCHILIK FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALARNING O'R NATISH .....	617-622
<i>Atoyeva Gulshoda Rabimovna</i>	
OILADAGI ZO' RAVONLIKNING O'SMIR XULQIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI .....	623-628
<i>Musinova Ruxshona Yunusovna, Qurbanova Aziza Davlat qizi</i>	
JABRLANUVCHI SINDROMI, UNING ASOSIY SABABLARI VA BELGILARI .....	629-635
<i>Jamolova Mokhigul Bakhtiyorovna</i>	
METHODS OF DEVELOPING THE CRITICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS STUDENTS THROUGH FAIRY TALES .....	636-641

**Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна,**  
Қарақалпоқ давлат университети  
Инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви  
кафедраси профессори, юридик фанлари доктори  
E-mail: [kutibaeva\\_elizaveta@mail.ru](mailto:kutibaeva_elizaveta@mail.ru)

**Есенбаев Джанибек Таирович,**  
Қарақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси

## **ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида долгзарб масалалардан бири бўлган экологик фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш сабаблари, оқибатлари ва улардан муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари ўрганилган. Шунингдек, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, экологик фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ атамаларнинг хуқуқий концепцияси мазмун-моҳияти чуқур таҳлил қилинган ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар.** фавқулодда вазиятлар, табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар, техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар, экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар, экологик оғатлар, экологик муаммолар, миллӣ қонунчилик нормалари

---

**Kutibaeva Elizaveta Duysenbaevna,**  
Professor of the Department of Human rights, state law and  
administration of Karakalpak State University,  
Doctor of Law

**Yesenbayev Djanibek Tairovich,**  
Independent researcher of the Karakalpak State University

## **IMPROVEMENT OF THE LEGAL BASIS OF PROTECTION AGAINST ENVIRONMENTAL EMERGENCY SITUATIONS**

**Abstract.** This article discusses the causes, consequences and legal basis for protection from environmental emergencies, which are one of the pressing problems in the Republic of Uzbekistan today. The legal concept of terms related to natural and man-made emergencies, environmental emergencies is also analyzed in detail and proposals are put forward to improve legislation.

**Keywords.** emergency situations, natural emergency situations, man-made emergency situations, environmental emergency situations, environmental disasters, environmental problems, national legal norms

---

**Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна,**  
профессор кафедры Права человека, государственного права и  
управления Каракалпакского государственного университета,  
Доктор юридических наук

**Есенбаев Джанибек Таирович,**  
Соискатель Каракалпакского государственного университета

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВОЙ БАЗЫ ЗАЩИТЫ ОТ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ СИТУАЦИЙ**

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются причины, последствия и правовые основы защиты от чрезвычайных экологических ситуаций, которые являются сегодня одной из актуальных проблем в Республике Узбекистан. Также подробно проанализировано правовое понятие терминов, связанных с чрезвычайными ситуациями природного и техногенного характера, чрезвычайными экологическими ситуациями и выдвинуты предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова.** чрезвычайные ситуации, чрезвычайные ситуации природного характера, чрезвычайные ситуации техногенного характера, чрезвычайные экологические ситуации, экологические катастрофы, экологические проблемы, национальные правовые нормы

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N61>

**Кириш.** Инсон иқтисодий фаолияти хавфли турларининг ривожланиши, аҳолининг кўпайиши ва шу муносабат билан одамларнинг яшаш жойларининг «табиатнинг хавфли ҳудудларига» кенгайиши экологик фавқулодда вазиятларнинг сабаблари бўлган техноген авариялар ва табиий оғатларнинг жамият учун ҳалокатли оқибатларини тобора кучайтирмоқда. Табиат ривожланишининг табиий жараёнларига тобора кўпроқ аралашаётган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун унинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ўзгартирган инсоният кенг кўламли табиий ва техноген фавқулодда вазиятларнинг ҳалокатли оқибатларидан нисбатан ҳимоясиз бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши, хусусан, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши фонида дунёда йирик экологик муаммолар юзага келмоқда. Баъзи ҳудудларда сув сатҳининг кўтарилиши, тошқинлар, қурғоқчилик каби оғатлар кузатиляпти. Сир эмаски, дунёга хавф солаётган муаммолар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

БМТ маълумотларига қараганда, яқин йилларда инсоният бугунги кунда фойдаланаётган ерларининг тўртдан уч қисмини йўқотиши мумкин. Сўнгги 100 йилда сув истеъмоли 7 фоизга ошиб, ҳар бир инсон учун ажратилиши мумкин бўлган сув ҳажми 60 фоизга қисқарган. Кейинги 25 йил ичидан сув захиралари яна 2 маротабага камайиши кутилмоқда. Амazonка, Миссисипи, Дунай, Волга, Днепр, Сирдарё ва Амударё каби дарёларнинг экотизими аянчли аҳволда. Мутахассисларнинг фикрига қўра, уларни тозалашга йилига тахминан 60 млрд. доллар миқдорида маблағ сарфланиши лозим [3].

Шу каби техноген авариялар ва табиий оғатлар хавфи ортиб бораётгани ва уларнинг оқибатлари кўлами ҳар бир давлатни уларнинг хавфини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун зарур чораларни кўришга мажбур қилмоқда. Бундай чора-тадбирлар орасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни давлат томонидан тартибга солиш, шунингдек, одамларни, жамиятни ва давлатни хавфли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан хавфли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Мазкур мақолада қиёсий-хуқуқий таҳлил, мантикий таҳлил методлари танлаб олинди.

Ўзбекистон Республикасида экологик фавқулодда вазиятлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган асосий хуқуқий хужжатлар мавжудлигига қарамай, унда мавжуд бўлган айрим норма ва қоидаларни такомиллаштириш зарурлигини кўриш мумкин.

Шу муносабат билан, биринчи навбатда, экологик фавқулодда вазиятлар соҳасидаги концептуал аппаратнинг ривожланиш ҳолатига унинг алоҳида элементларининг амалиёт ва илмий ютуқларнинг ҳозирги ҳолати эҳтиёжларини мақбул кўриб чиқиш учун яроқлилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтайи назаридан эътибор қаратиш долзарб.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 15 сентябрда бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгаши мажлисида, мазкур жамғарма экологик таҳдидларга қарши қураш масалаларида умумий манфаатларни илгари суриш учун муҳим майдон сифатида фаолият юритаётганлигини таъкидлай ўтириб, Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олаётгани ва у бундан буён у тобора чуқурлашиб бораётганига эътиборини қаратади. «Музликларнинг эриши, табиий оғатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаётган техноген омиллар туфайли минтақада сув ва экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бораётгани ва унинг оқибатлари алоҳида хавотир уйғотмоқда. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда» дея таъкидлаб, бу эса давлатлар олдига кўп томонлама шериклик самарадорлигини хуқуқий ва институционал жиҳатдан таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб беришини айтиб ўтади [4].

Шунингдек, давлатимиз раҳбари 2023 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассемблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида «Кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу – дунёдаги ўртacha исишдан икки карра қўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда» [5] дея экологик муаммоларга тўхталиб ўтиб, ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилмаса, ушбу муаммолар оқибатлари минтақамиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказиши мумкинлигини таъкидлайди.

Давлатимиз Президентининг бу каби билдирилган концептуал ғоялари 2023 йилнинг 11 сентябрида ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон-2030» Стратегиясида ҳам республикада экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига

таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларининг аниқ механизмлари билан белгилаб берилган эди.

Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, етарли концептуал аппаратнинг мавжудлиги жамоатчилик муносабатларининг ушбу соҳасидаги қонунчиликни шакллантиришга ҳар томонлама, ягона ёндашишга имкон беради.

Экологик фавқулодда вазиятларнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш биринчи навбатда қонунчиликда ишлатиладиган атамалар ва ибораларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

**Муҳокама.** Шундай қилиб, таҳлил қиласидаги бўлсак, «экологик фавқулодда вазият» нинг ўзига хос ҳуқуқий концепциясини ишлаб чиқиш фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маҳсус қонунчиликда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигига келтирилган экологик фавқулодда вазият тушунчасидан фарқ қиласидаги табиий ва техноген фавқулодда вазият тушунчаси мавжудлиги билан мураккаблашади.

Амалдаги фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги қонунчиликни таҳлил қила ўтириб, «фавқулодда вазият»лар тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни [6] да **«табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар**— муайян худудда одамлар қурбон бўлишига, одамларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий оғат ёхуд бошқа оғат натижасида, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши натижасида юзага келган вазиятлар» деб таъриф берилганлигини кўрамиз.

Эътибор бериш керак, бу таърифда «экологик» сўзи йўқ, яъни, «фавқулодда вазият» энг умумий маънода акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил

27 октябрдаги 455-сон [7] қарори ва 2000 йили 19 октябрда «Ўзстандарт» стандартлаштириш, Метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қарори билан тасдиқланган O'z DsT 981:2000-сон «Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари» давлат стандарти нормалари [8] га асосан, фавқулодда вазиятлар уларнинг вужудга келиш сабабларига (манбаларига) кўра табиий, техноген ва экологик тусдаги турларига ва ушбу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий заарлар миқдорига ва кўламларига қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегара турларига бўлиниши назарда тутилган.

Қайд этиш керак, аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий қонун [6] нинг 5-моддасида эса фавқулодда вазиятлар рўй бериш манбаига қараб табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга бўлиниши назарда тутилган.

Юқорида атаб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сон қарорида экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар сифатида қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ; атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ; гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар санаб ўтилганлигини кўриш мумкин. O'z DsT

981:2000-сон «Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари» давлат стандартида эса фавқулодда вазиятнинг бир тури сифатида экологик фавқулодда вазият келтирилиб ўтилса ҳам унга таъриф берилмаган, яъни айнан қандай хусусиятдаги вазиятлар экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар ҳисобланиши очиқ қолган.

Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992 йилдаги 754-XII-сон «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг «Экологик фавқулодда вазиятлар» деб номланган бобида «экологик фалокат» тушунчасини ўз ичига олган ҳолда экологик фавқулодда вазият тушунчасини кенгайтиради. Ва бу юридик адабиётларда «фавқулодда вазият» атамасини ноаниқ тушуниш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу ўринда, экология ҳуқуқи фанининг айрим вакиллари «экологик фавқулодда вазият» ва «экологик фалокат» тушунчалари маъносини teng ҳисоблайдидар. Мисол тариқасида Н.Г. Жаворонкованинг фикрини келтиришимиз мумкин: «инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфли бўлган табиий ва техноген табиатнинг ҳодисалари ва фалокатлари ҳуқуқий доктрина ва қонунчиликда экологик фалокатлар ва фавқулодда вазиятлар деб аталади» [2].

**Натижалар.** Бизнинг фикримизча, экологик фавқулодда вазиятни муайян баҳтсиз ҳодисалар ёки оғатлар натижасида эмас, балки узоқ муддатли антропоген таъсири жараёнида шаклланган атроф-муҳитнинг ноқулай ҳолати деб аташ қийин. Шундай қилиб, «экологик фавқулодда вазиятларнинг асосий сабаби экологик талабларни ҳисобга олмаган ҳолда миллий иқтисодиётни ва биринчи навбатда саноатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал қилишда комплекс ёндашувнинг йўқлиги ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда юзага келадиган ҳолатлардир [1].

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасини экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар ҳақидаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Қайд этиш керак, мазкур моддада табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мазмuni ёритилган бўлиб, бунда табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар сифатида «Одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга, одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган табиий оғатлар (зилзилалар, сел, кўчкилар, сув тошиши ва бошқа хавфли табиий ҳодисалар), табиий ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, эпифитотиялар» ҳолатлар назарда тутилган.

Қонун ости ҳужжати [7] да ҳам ушбу мазмун акс эттирилган бўлиб, экологик хусусиятдаги вазиятлар сифатида ҳам ҳалокатли кўчкилар, ер юзасининг ўришилиши, силжиши, атмосфера ва гидросфера ҳолатларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар, сизот сувлар даражасининг ошиши, ичимлик сувининг кескин етишмаслиги каби вазиятлар назарда тутилган.

Эътибор берадиган бўлсак, экологик хусусиятли фавқулодда вазиятнинг табиий хусусиятли фавқулодда вазиятдан фарқли жиҳати сифатида вазиятнинг юзага келишининг асослари ва сабаблари орқали аниқлашимиз мумкин. Яъни, табиий тусдаги

фавқулодда вазиятлар табиий ҳолатда, ҳеч қандай инсон факторисиз юзага келиши мумкин. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш сабаблари сифатида қўйидаги ҳолатлар белгиланиши мумкин, яъни:

- фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида пайдо бўлувчи;
- саноат туфайли келиб чиққан токсикантлар билан тупроқ ва ер остининг ифлосланиши;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестициidlар ва бошқа заарли химикатлар мавжудлиги;
- радиациянинг юқори даражаси;
- ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари: нефть маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар бор бўлган чиқиндилар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;
- бинолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар даражасининг ошиши; сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувнинг кескин етишмаслиги шулар жумласидандир.

Кўриб турганимиздек, юқоридаги барча вазиятларда инсон фактори аралашуви натижасида юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар санаб ўтилган.

**Хуноса ва таклифлар.** Шундай қилиб, фавқулодда вазиятларни вужудга келиш сабабларига кўра учта турини ажратиб кўрсатган ҳолда, **юқорида қайд этилган қонуннинг 5-моддасининг 1-бандини қўйидагича баён қилишни таклиф этамиз:**

*«Фавқулодда вазиятлар рўй бериш манбаига қараб табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларга, техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга ҳамда экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларга бўлинади».*

Шунингдек, ушбу **моддани қўйидагича норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:**

*«Одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиiddий моддий талафотларга, одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қуруқлик (тупроқ, ер ости) ҳолатининг (инсон фаолияти натижасида ер юзасининг ўтириши, силжиши, саноат туфайли тупроқ ва ер остининг токсикантлар билан ифлосланиши), атмосферанинг (ҳаво муҳитининг экстремал юқори ифлосланиши, катта қўламда кислотали зоналар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши; радиациянинг юқори даражаси), гидросфера ҳолатининг (ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари: чиқиндилар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши, сизот сувлар даражасининг ошиши; заарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувнинг кескин етишмаслиги) ўзгаришига олиб келадиган вазиятлар экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардир».*

Хуноса қилиб айтадиган бўлсанқ, экологик фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ атамаларнинг ҳуқуқий концепциясининг мазмуни ва моҳиятини аниқлаш зарурати

ушбу соҳадаги мавжуд назарий қоидаларни бойитиш учун илмий аҳамиятга эга бўлиб, улар пировардида қўйидаги қонун ижодкорлиги ва амалий мақсадларга эришишга, яъни:

- юридик шахслар ва ваколатли мансабдор шахсларнинг ҳаракат стратегиясини, шунингдек фавқулодда вазиятда аҳолининг хатти-ҳаракатлари стратегиясини такомиллаштиришга ёрдам берадиган экологик фавқулодда вазиятларга оид хуқуқий муносабатларнинг янада тўғри ва тўлиқ талқин қилинишига;

- амалдаги қонун ҳужжатларидағи хуқуқий техникадаги камчиликларни, нуқсонларни, тушунчалар, нормалар, турли ҳужжатларнинг ёндашувларининг номувофиқлигини аниқлашга;

қонунчиликни такомиллаштиришнинг умумий услубий ва концептуал асосларини яратишга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Азизов Т.А. Юридическое понятие «чрезвычайные экологические ситуации» по законодательству Российской Федерации и Республики Узбекистан. //Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 14. Вып.2. 2014. 70-79 Стр.
2. Жаворонкова Н. Г. Эколого-правовые проблемы обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера. С. 3.
3. Сувдан фойдаланиш масалалари Ўзбекистон ОАВ нигоҳида [Матн]: услубий кулланма/Н. Қосимова. Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази, Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази, Т.: Чулпон номидаги НМИУ, 2018.— 88 б. ISBN 978-9943-5380-8-5.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи.//15.09.2023.// <https://president.uz/uz/lists/view/6662>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи.//20.09.2023.// <https://president.uz/uz/lists/view/6677>
6. O'zbekiston Respublikasining' Qonuni «Aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to'g'risida»gi O'RQ-790-son, 17.08.2022 yil qabul qilingan. // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 18.08.2022-y., 03/22/790/0751-son; 29.11.2023-y., 03/23/880/0905-son; 18.01.2024-y., 03/24/898/0046-son).
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сон «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги қарори. //Электрон манба. <https://lex.uz/docs/820617#963598>.
8. "Ўстандарт" стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан 2000 или 19-октябрда тасдиқланган O'z DsT 981:2000-сон «Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари» давлат стандарти. Расмий нашр. Ташкент-2000. //Электрон манба. <https://lex.uz/docs/4987709>

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 3 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масьулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).